



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 21 декабрь, шанба • №101 (11.489)

• Эркин нарҳда сотилади

Ўзбекистон-Украина:

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таклифига биноан, 19-20 декабрь кунлари Украина Республикаси Президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди



Президентлар БМТ, ЕХХТ каби халқаро ташкилотлар, МДХ доирасидаги ҳамкорлик, Афғонистондаги тикланиш ишларида баҳамжиҳат қатнашиш ва муҳокама этилган бошқа масалалар борасида томонларнинг нуқтаи назари яқинлиги яна бир қарра ўз тасдиғини топганини, эндиги долзарб вазифа ана шу нуқтаи назарни ҳаётга кенгроқ татбиқ этишдан иборатлигини таъкидлади.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида давлатлар раҳбарларининг суҳбатидида кўтарилган масалалар муҳокамаси давом этди. Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожидида сусайиш сезилганини қайд этаркан, ҳамкорлик кўламини оширишга тўсқинлик қилаётган сабабларни биргаликда бартараф қилиш зарурлигига эътибор қаратди.

Президентлар кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Украина ҳукуматлараро кўшма комиссиясининг ишини яхшилаш зарурлигини таъкидлади. Хусусан, ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 400 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу йилги кўрсаткич ундан қарийб 90 миллион доллар кам бўлиши кутилмоқда. Мамлакатимизда Украина билан ҳамкорликда ташкил этилган элликка яқин кўшма корхона бор. Бу миқдор ҳам имкониятлар даражасида эмас. Кўшма комиссиясининг мажлислари аслида шу камчиликларни бартараф этишга қаратилиши керак. Лекин президентларнинг яқдиллик билан таъкидлашича, сўнгги вақтда комиссия фаолиятида амалий самара кам бўлган. Ислон Каримов комиссия таркибини янгилашни таклиф этди. Келишувга биноан, январь ойида Киевда унинг навбатдаги мажлиси бўлади ва қатнашчилар муайян масалаларга аниқ ва фойдали ечим

(Давоми 2-бетда).

Ташриф "Дўрмон" қароргоҳида икки мамлакат раҳбарларининг юзма-юз суҳбати билан бошланди. Президентлар Ўзбекистон билан Украинанинг ўзаро алоқаларига доир долзарб масалалар, халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Таъкидлаш жоизки, стратегик ҳамкорлар ҳисобланган мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги мулоқотлар мунтазам равишда ташкил этиб келинади. Ислон Каримов тўрт бор Украинага таш-

риф буюрган. Леонид Кучма эса учинчи мартаба Ўзбекистонда меҳмон бўляпти. Суҳбат чоғида ушбу ташрифлар ҳамкорликнинг истиқболдаги вазифаларини белгилаб олиш, муносабатларни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлар бўлгани, Украина раҳбари билан бу галги мулоқотлар эса аъъанавий дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч, ҳурмат ва тенглик асосида ривожланиб бораётган алоқаларимизга янги суръат бахш этиши таъкидланди.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Шу йил 18 декабрь куни иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XIV сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлигининг гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалари бошлиқлари, вилоят корхона ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари, жамоат ташкилотлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг умумиқтисод масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда шаҳар ва туман тадбиркорлар палаталари раислари иштирок этдилар.

Сессияни Тошкент вилояти ҳокими, вилоят Кенгаши раиси Умнат Мирзакулов бошқарди.

Депутатлар сессия ишида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни асосида «Вилоятда фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларни моддий таъминотини яхшилаш, бу соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқдилар. Бу ҳақда 45-«Ким Пен Ха» сайлов округидан депутат, Ўртачирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Қайумбой Деҳқонбоев маъруза қилди. Унда таъкидланганидек 2002 йилнинг ўтган даврида вилоят кишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш, кичик

ва ўрта бизнес, хусусан, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда 5527тадан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга 79475 гектар ер майдони бириктириб берилган. Бир йил мобайнида фермер хўжаликлари сони 677тага кўпайди. Кишлоқ ўжалигининг бу тармоғида 33 минг киши меҳнат қилмоқда. 2002 йилда фермерлар томонидан давлатга ғалла сотиш шартномавий режаси 123 фоизга бажарилди. Вилоят ҳудудидаги деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш учун 19та турли тоифадаги кооперативлар тузилди. Йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида фермер ва деҳқон хўжаликларига 1 миллиард 215 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиш ҳисобига 2203та янги иш ўринлари барпо этилди.

Шу билан бирга фермер ва деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш, уларнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш борасида қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳамда муаммоларни бартараф этиш юзасидан кўшимча тадбирлар кўриш зарурлиги ҳам айтилди. Масалан: 2002 йилда фермер хўжаликлари томонидан пахта топшириш шартно-

(Давоми 2-бетда).

«ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ»

ҳамиша
СМЗ
билан!

Доимо бирга
бўлайлик,
азизлар!

Тошкент вилояти шаҳар ва қишлоқларида янги – 2003 йилни кутиб олишга қизгин ҳозирлик кўрилмақда.

Президент арчаси
атрофида

Вилоят ҳокимлиги болаларга катта байрам совғаси тайёрлаб қўйди. 29 декабрь куни Янгийўлдаги "Мадина" ресторанига ўрнатилган "Президент арчаси" атрофида 400 нафар ўғил-қиз байрамни нишонлайди. Шаҳар ва туманларда ҳам шу куни ана шундай Янги йил базми ўтказилади.

– Болажонларга аталган Янги йил совғаларимизни ҳозирданок тайёрлаб қўйдик, – дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари Рустам Турдалиев. – Бунинг учун кенгашимиз ҳисобидан 1 миллион 416 минг сўм маблағ ажратилди. Байрам арафасида Қорбобо ва Қорқиз вилоятда фаолият кўрсатётган учта "Меҳрибонлик" уйида бўлиб, тарбияланувчиларни бирма-бир қутлайди, ажойиб совғалар улашади.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ:

уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Мустақиллик йилларида жамиятимиздаги тубли ўзгаришлар, янгилашнишлар жараёнида оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуотнинг ошқоралиқни, амалга ошириладиган ислохотлар, маънавий-маърифий ва ижтимоий соҳалардаги ютуқларни тарғиб қилиш ва мавжуд

муаммоларни бартараф этишдаги роли ва аҳамияти беқиёс ошди. Оммавий ахборот воситалари ва журналист фаолиятига доир янги қонунлар бу соҳанинг ҳуқуқий асосини яратиб берди.

(Давоми 3-бетда).



топиш билан жиддий шуғулланади.

Мамлакатимиз раҳбари Украина томонини Ўзбекистондаги кенг хусусийлаштириш жараёнида фаол қатнашишга чорлади. Айниқса, "Ўзбекнефгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзавтойўл" концерни каби муассасалар томонидан эълон қилинаётган тендерларда қатнашиш украинлик ҳамкорларимиз учун жуда фойдали бўлиши аниқ.

Ислом Каримовнинг яна бир тақлифи Афғонистондаги тиклашиш ишларида биргалликда иштирок этишдан иборат бўлди. Хусусан, йўлсозлик, кўприксозлик каби соҳаларда ҳамкорлик самарали кечишига шубҳа йўқ.

Транспорт коммуникацияси масаласи ҳам жуда долзарб. Ўзбекистон Крим, Кавказ ва Болтиқбўйида денгиз портларидан фойдаланиш имкониятига эга. Лекин Украина бандаргоҳлари янада қулай ҳисобланади. Леонид Кучманинг таъкидлашича, мамлакат портлари имконият даражасида ишламапти, шундай эса-да, хизмат кўрсатиш учун нисбатан катта шартлар қўяди. Ваҳоланки, келишув асосида бу муаммони осон ҳал этиш мумкин. Украина раҳбари музокара чоғидаёқ транспорт вазири Георгий Кирпага бу масалани жиддий ўрганиб чиқиш ва зудлик билан Ўзбекистонга келишув ҳақида расмий хабар юборишни топширди.

Леонид Кучма Ўзбекистон Президенти томонидан бил-

(Давоми. Боши 1-бетда).

дирилган барча тақлифларни қўллаб-қувватлашни ва уларни рўйбага чиқаришнинг икки томон учун ҳам энг манфаатли йўллари топиш вазифасини ҳукумат аъзолари ҳамда қўшма комиссия иштирокчиларига топшириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Украина илм-фан, техника ва технология, таълим, маданият соҳаларида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келади. Айни пайтда олимларимиз сейсмология, янги технологиялар яратиш каби кўплаб соҳаларда қўшма

ма фаолиятини ривожлантириш борасида ҳам яқдил эканини маълум қилди. Уларнинг фикрича, Украина саммитида қўтилган натижаларга эришилса, ҳамдўстлик ривожланишнинг янги палласига киради. Бу ерда гап, хусусан, Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартноманинг амалга оширилиши хусусида кетмоқда. 1994 йили имзоланган мазкур ҳужжат бир неча йил ратификация қилинмай келди, кейинроқ кўпчилик розилик берганда эса, "имтиёзлар қўлланмайдиган айрим товарлар" рўйхати ҳақидаги гап-

меъморий ечимига, мавжуд қўлайликларига юқори баҳо берди.

Президентлар украин халқининг атоқли шоири Тарас Шевченкога юксак эҳтиром рамзи сифатида Тошкентда ўрнатилган ҳайкалнинг очилиш маросимида иштирок этди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов очди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

– Тошкентда украин халқининг буюк фарзандига ҳайкал қўйилиши бизнинг украин хал-

ўткир қалам соҳиблари томонидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинган.

Давлатимиз раҳбари Тарас Шевченко ҳайкалнинг айнан шоир номидаги мактаб ёнида ўрнатилишининг аҳамияти ҳақида гапирар экан, куйидагиларни алоҳида таъкидлади.

Орадан ўнлаб, юзлаб йиллар ўтгандан кейин ҳам мана шу ҳайкал ва мактаб халқларимизнинг истиқлол ва озодлик йўлидаги машаққатли курашларидан, Украинанинг 1966 йил Тошкентда рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этишда кўрсатган катта ёрдамидан, украин халқининг ўзбек халқи билан елкама-елка қилган меҳнатидан, пойтахтимизни қайта тиклашдаги фаол иштирокидан гувоҳлик бериб тураверади.

– Украин халқининг буюк фарзанди Тарас Шевченкога қўйилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этаётганимдан бағоят мамнунман, – деди Леонид Кучма. – Атоқли шоиримизга кўрсатилган бу юксак эҳтиром учун Ўзбекистон халқи ва Президент Ислом Каримовдан миннатдорман.

Икки давлат раҳбарлари шоир ҳайкали пойига гул қўйди. Президентлар шу ернинг ўзида Ўзбекистонда яшовчи украин миллати вакиллари билан учрашди. Самимий суҳбат чоғида мамлакатимизда украин маданияти ривожига берилаётган улкан эътибор, икки миллат вакилларидаги иноқлиги, қардошлиги ҳақида сўз борди.

Леонид Кучма ва Ислом Каримов 110-мактабга ташриф буюрди. Икки давлат раҳбарлари украин ва ўзбек миллий либосидаги болалар анвойи гуллар билан қарши олди. Президентлар мактабнинг компьютер синфида яратилган шароит билан танишди, ўқувчи ва педагоглар билан суҳбатда бўлди. Замонавий компьютерларда ишлашни кунт билан ўрганаётган ёшлар ўз қизиқишлари, орзулари ҳақида гапирди, украин ва ўзбек тилларида шеърлар ўқиди.

Шу билан Украина Республикаси Президентининг Ўзбекистонга амалий ташрифи ниҳоясига етди. Юксак мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди.

Анвар БОБОВЕВ,
Озод РАЖАБОВ,
ЎЗА мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: маросимдан лавҳалар.

Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА)
олган суратлар.

Ўзбекистон-Украина: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

тадқиқотлар ўтказмоқда. Кадрлар тайёрлаш борасида ҳам яхши алоқа йўлга қўйилган. Маданий соҳага келсак, Леонид Кучманинг бу галги ташрифи асносида пойтахтимизда украин халқининг атоқли шоири Тарас Шевченконинг ҳайкали очилади. Украина раҳбари Тошкентдаги 110-мактабга компьютер хонаси ҳада қилган. У мактабнинг ўқувчи ва ўқитувчилари билан ҳам учрашди. Музокарада бундай алоқаларни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Кўплаб масалаларга ойдинлик киритилган самарали музокаралардан кейин Ўзбекистон ва Украина ҳукуматлари ўртасида дори-дармонни қайд қилишни ўзаро эътироф этиш ҳамда ташқи сиёсат маҳкамаларининг ҳамкорлиги ва фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган битимлар имзоланди.

Шундан кейин бўлиб ўтган матбуот анжуманида президентлар ўзаро мулоқотлардан тўла қониқиш ҳосил қилганини, кўрилган барча масалалар бўйича фикрлар бир жойдан чиқганини таъкидлади. Леонид Кучма Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка, иқтисодий ислохотларга юқори баҳо берди. Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат вакиллари тотув яшамоқда.

Маълумки, МДХнинг навбатдаги саммити Украинада бўлади. Президентлар ушбу тузил-

сўзлар пайдо бўлди. Ваҳоланки, шартнома кучга кирса, МДХ жойлашган ҳудудда бошқа минтақавий ташкилотлар тузишга ҳожат қолмаган бўлар эди.

Шу билан Украина Президенти Леонид Кучма ташрифининг расмий қисми ниҳоясига етди.

* * *

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов тақлифига биноан мамлакатимизга келган Украина Республикаси Президенти Леонид Кучма амалий ташрифининг иккинчи кунини пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спортсоғломлаштириш мажмуи билан танишувдан бошлади. Юксак мартабали меҳмон жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган сув спорти саройи, мухташам теннис кортининг

қига, унинг тарихи ва маданияти, тили ва мустақкам ирода-сига бўлган ҳурматимизнинг яна бир намунаси, – деди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов. – Бағрикенг Украина замини инсониятга Тарас Шевченкодек ажойиб шоир, иқтидорли расом, янги украин адабиётининг асосчиси ва озодлик куйчисини етказиб берди.

Унинг "Кобзарь" китобида украин халқининг донишмандлиги, олижаноблиги ва келажакка бўлган юксак ишончи ўзифодасини топган.

Буюк украин шоирининг ижоди ўзбек халқининг дилига жуда яқин. Унинг машҳур асарлари Ҳамид Олимжон, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Миртемир каби



ма режаси 84,8 фоизга бажарилди. Ердан самарасиз фойдаланаётган 30дан ортиқ фермер хўжаликларидан 1296 гектар ер қайтариб олинди. Шунингдек, жойларда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун моддаларини бузиш ҳоллари учраб турибди. Сессия ушбу масалани чуқур ва атрофлича муҳокама қилар экан, барча туманларда Қонуннинг ижросини таъминлаш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўзининг тегишли қарорини қабул қилди.

Кун тартибидagi иккинчи – «Вилоят саноат ишлаб чиқаришини маҳаллий хом ашё эвазига, маҳаллийлаштиришнинг (локализациялашнинг) 2000-2005 йилларга белгиланган дастурининг Чирчиқ, Ангрэн,

(Давоми. Боши 1-бетда).

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Янгийўл, Бекобод шаҳарларида Зангиота ва Пскент туманларида бажарилишининг бориши тўғрисидаги масала юзасидан вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси, 21-«Бўстон» сайлов округидан депутат Дадажон Исокулов маъруза қилди. Шунини айтиш керакки, ушбу дастурга мувофиқ вилоятда импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотларни маҳаллий хом ашёлар негизида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бунинг натижасида валюта маблағларини тежаш юзасидан бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш асосида амалга ошириладиган маҳал-

лийлаштириш лойиҳалари бўйича импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш 1312,6 миллион сўмга тенг бўлиб, бунинг натижасида 1,427 миллион АҚШ доллари иқтисод қилинди. Қўшимча 120та янги ишчи ўринлари ташкил этилди. Бундан ташқари фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларда амалга оширилган маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича белгиланган режаларнинг ижро этилиши натижасида 428та янги ишчи ўринлари яратилди. Бошқача қилиб айтганда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдори 8466,0 миллион сўмга тенг бўлиб, 9,2 минг АҚШ долларини иқтисод қилиш имкони берди. Айни вақтда юқоридagi шаҳар ва туманлардаги ички

имкониятларни ишга солиш ҳисобига бу борада янада салмоқли натижаларга эришиш мумкин эканлиги айтилди. Хусусан Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл шаҳридаги «Биокимё» ҳиссадорлик жамияти, Зангиота туманидаги «Тошкент крахмал заводи» сингари қатор корхоналарда маҳаллий хом ашё ҳисобига импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича белгиланган лойиҳа режалари бажарилмай қолди. Ушбу муҳим масалани атрофлича кўриб чиққан депутатлар ишлаб чиқаришнинг барча манбаларида маҳаллий хом ашё негизида ички ва ташқи бозор учун зарур буюмлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга

қаратилган қарор қабул қилди.

Шу кун Вилоят Кенгаши сессиясида «Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 2001 йил ижросини тасдиқлаш» ҳамда «Тошкент вилоятининг 2003 йил маҳаллий бюджети тўғрисида»ги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи Муҳитдин Аъзамов ахборот берди. Муҳокамадан сўнг ҳар иккала масала юзасидан сессиянинг қарори қабул қилинди.

Депутатлар вилоят Кенгаши раисининг иккинчи чақириқ Халқ Депутатлари Тошкент Вилояти Кенгашининг 2002 йилда олиб борган фаолияти тўғрисидаги ахборотини тинглаб маъқулладилар ҳамда Халқ Депутатлари Тошкент Вилояти Кенгашининг 2003 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқладилар.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ:

уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Шу билан бирга Президентимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, оммавий ахборот воситаларини «Тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтариш борасида ҳали олдинда бир қатор муаммолар ва жиддий вазифалар турибди. «Эркин матбуот, — деди Юртбошимиз, — реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиб, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига ҳақиқий, шу билан бирга ҳолис баҳо бериши керак».

Тошкент вилояти ҳокимлигида вилоят ҳокимлиги, вилоят матбуот ва ахборот

(Давоми. Боши 1-бетда).

бошқармаси, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан ана шу кўрсатмаларни амалга ошириш, вилоятда матбуот ва ахборот тизимининг ҳозирги аҳоли, уни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, вилоят шаҳар ва туманлар газеталари муҳаррирлари, тегишли ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг ижодкорлари иштирок этишди.

Семинар-кенгашни Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Асосий эътибор матбуот ва ахборот тизимини такомиллаштириш, журналист масъулияти масалаларига қаратилди. Ҳозирги пайтда вилоятимизда 40га яқин шаҳар, туман ва кўп

нусхали газеталар чоп этилаётди. Ўқишлилиги, мавзу ва руқналарининг кенглиги билан уларнинг аксарияти доимий ўқувчиларини топган. Лекин ҳануз эски қолиплардан чиқа олмаётган газеталар ҳам оз эмас. Кўпинча улар бир-бирига ўхшаб қолаётди. Давр эса, нашр тури қанча кўп бўлмасин, унинг ҳар бири ўз ўқувчиси, йўналиши, рейтингига эга бўлиши тақозо этади. Бозор иқтисоди шароитида бу айниқса муҳим. Газеталар ҳаётимизда кечаётган тубли ўзгаришларни кенг ёритиб бориши, шаҳар ёки туман аҳолиси кўнглидаги гапларни, муаммоларни кўтариб чиқиши даркор. Журналист вазифаси биринчи навбатда ахборотларни кечиктирмай оммага етказишдир.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш марказининг бошлиғи Б. Тошев, Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий

жамғармасининг ҳамраиси, «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири, Олий Мажлис Депутати Х. Дўстмухаммедов, Тошкент вилояти Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи Б. Улашов ва бошқаларнинг оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асослари, уларни янада эркинлаштириш ва журналист масъулияти ва одоби, реклама тўғрисидаги қонун талабларининг бажарилиши хусусидаги маърузалари тингланди.

Йиғилиш қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари, Олий Мажлис депутати М. Миралимов сўзга чиқди.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.



СУРАТЛАРДА: семинардан лавҳалар.
Даврон АХМАД олган суратлар.

Қарор ва ижро

Пахтачилик: қайси нав афзал?

Пахтадан мўл-кўл ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири ғўза уруғчилиги ва селекцияси билан боғлиқ.

Бунда хўжаликларда ғўзанинг эртапишар, серҳосил, тола сифати юқори навларини оқилона жойлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ғўза навлари ҳар йили ҳар бир хўжалик, туман, вилоятнинг тупроқ-иклим шароитидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги қарори билан уруғлик етиштирувчи хўжаликлар, селекционер олимлар ва уруғчиликда иштирок этувчи субъектларга устама ҳақ тўлаш жорий этилди. Хусусан, 2000 йилда етти миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ шу мақсадга йўналтирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 11 миллиард сўмни ташкил этди.

Пахта ҳосилдорлигини янада ошириш мақсадида анчадан буён экиб келинаётган, аммо ўзини оқламаган навлардан воз кечилмоқда. Масалан, бундан 7-8 йил муқаддам мамлакатимиз далаларида ўттиз хилдан ортиқ ғўза нави экилган бўлса, ҳозир уларнинг сони йигирматагача камайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 19 декабрдаги қарорига асосан жорий йил ҳосили учун 1 миллион 421 минг гектардан ортиқроқ майдонга сак-

киз эртапишар, ўн икки ўртапишар, тўрт истиқболли ва янги нав экилиши белгиланган эди. Жойларда ушбу ҳужжатда белгиланган навлар асосий майдонларга экилишига эришилди.

Аммо сўнгги уч йилда ҳар гектарга сарфланаётган чигит миқдори 123 килограммдан 87 килограммгача камайирилишига эришилган бўлса-да, бу кўрсаткич айрим вилоят ва туманларда юқориликча қолмоқда.

Мамлакатимизда келгуси йил ҳосили учун етарлича уруғлик чигит тайёрлаб қўйилди. Дастлабки лаборатория таҳлилларига кўра, тайёрланган уруғлик чигит асосий кўрсаткичлари бўйича стандарт талабларига тўлиқ жавоб беради. Гап энди уларни ўз вақтида омилкорлик билан экиб, қўтилган ҳосилни олишда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида келгуси йил ҳосили учун ғўза навларини жойлаштиришга бағишланган йиғилишда ана шулар ҳақида гап борди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков бошқарди.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

2003 йил – Обод маҳалла йили

“ЭКОСАН” ДАСТУРИ

“Экосан” халқаро жамғармасида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан 2003 йили “Обод маҳалла йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ишлаб чиқилган “Экосан маҳаллада” мақсадли дастури муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда эколог-олимлар иштирок этишди.

Анжуманда маҳалла фаоллари учун “Экологик қонунлар тўплами”ни нашр этиш, кам таъминланган оилаларга сув ўлچаш асбобларини бепул топшириш, экология ва саломатлик дастури доирасида фото-кўргазмалар ташкил этиш каби тадбирлар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

“Туркистон-пресс”.

Анжуман

ИНТЕРНЕТ: БУГУН ВА ЭРТАГА

Тошкентда Ўзбекистонда Интернет ва маълумот узатиш тизимларини ривожлантириш истиқболларига бағишланган семинар иш бошлади.

Икки кун давом этадиган мазкур анжуман Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Хусусан, соҳанинг миллий тараққиётимиздаги аҳамиятини эътиборга олиб, жаҳон ахборот ҳамжамиятига интеграциялашиш ва унинг ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратиш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилингани алоҳида эътиборга мо-

лиқдир. Бу ҳужжатлар, ўз навбатида, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий жорий этиш ҳамда улардан фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш учун қулай шарт-шароит яратилмоқда. Зеро, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги устувор мақсад

Кўргазма Хорнимен намойиш этади

Қўлида дутор тутган ўзбек аёлининг сурати Лондоннинг Хорнимен музейида очилган жаҳон мусиқа асбоблари кўргазмаси меҳмонларини қарши олади.

Дунёнинг турли чеккаларидан келтирилган олти мингдан зиёд мусиқа асбоблари намойиш этилган мазкур кўргазма дарҳақиқат ноёб ва ажойибдир. Музей бу қадар турли ва нодир чолғу асбобларини жамлаш борасида ярим асрдан зиёд вақт мобайнида иш олиб борган.

Кўргазманинг ўзбек чолғу асбоблари бўлими меҳмонлар эътиборини ром этди. Бу ерда гиж-жак, доира, карнай, сурнай, ноғора, рубоб, дутор каби ўзбек миллий чолғу асбоблари ҳамда миллий либосларимиз ва дўппиларимиз намойиш этилган. Экспозициянинг изоҳ тахтачаларида кўп асрлик маданиятимизда муҳим ўрин тутган мусиқа ва чолғу асбоблари, ўзбек халқининг бой тарихи ва урф-одатлари хусусида хикоя этилади.

Бу ерда намойиш этилган миллий чолғу асбобларимиз мажмуаси Хорнимен музейи ва Шотландия миллий музейининг юртимизда олиб борган этнографик дастури мевасидир. Музейнинг Осиё бўлими масъул ходими Бен Тиннинг маълум қилишича, мамлакатимизга уюштирилган сафар давомида тўпланган турли хил экспонатлар ўтган йили Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида бўлиб ўтган кўргазмада улкан зафар кучган.

Марказий Осиёнинг бой маданияти мени ҳар доим лол қолдирар ва ўзига ром этарди, — дея сўзида давом этди жаноб Тиг. — Мамлакатимизга қилган сафарим чоғида мустақиллик туфайли қадимий маданиятининг ва урф-одатларининг инсонлар ҳаётида яна муҳим аҳамият касб эта бошлаганининг гувоҳи бўлдим. Бугунга келиб ўзбек маданияти ва санъати янгитдан гуллаб яшнамоқда, жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Кўргазмада ўзбек халқи бой маънавий дунёсини акс эттирувчи чолғу асбобларининг ранг-баранглигини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Хорнимен музейи келгусида ҳам Британия жамоатчилигини ўзбек маданияти билан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Кўргазма ташкилотчиларининг сўзларига кўра, уларнинг яқин орадаги режалари орасида «Дунё уйинчоқлари» кўргазмасини ўтказиш ҳам ўрин олган. Унда ўзбек бадиий-безак усталари томонидан яратилган экспонатларнинг ҳам кенг жой олиши кўзда тутилган.

Мардон ЁҚУБОВ, «Жаҳон» АА, Лондон.

Беҳзод НОРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

Dushanba 23

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига!
«Ўзбекистон» телеканал 23 декабрь куни ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.
15.00 «Тахлилнома».
15.45 «Ошин». Телесериал.
16.15 «Туртинчи хокимият».
16.30 «Талабалик йилларим».
«Болалар сайёраси»: 16.50 1. «Бешбармоқ». 2. «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
17.55 ТВ маркет.
18.00 Янгилликлар
18.10 «Қалб гавҳари».
18.30 «Мулк».

18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.15 «Бир жуфт кўшиқ».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «2002 йил - қарияларни кадрлаш йили». «Париси бор уй».
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А. Каримов.
21.50 Кураш бўйича Осиё чемпионати.
22.10 «Тарих кўзгуси». 7-қисм.
22.35 «Ахборот-дайжест».
22.55-23.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» Тонгги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
10.25 «Мультиомоша».
10.40 Уйна, болажон, уйна.
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 Мусиқий лаҳзалар.
11.40 Огоҳ.
11.55 Жаҳон жуғрофияси.
12.45 «Давр»-news.
13.00 Ҳарбий-ватанпарварлик кўшиқлари.
13.10 «Жюли Леско». Сериал. 6-қисм.
14.00 Кўҳна оҳанглар.
14.10 «Ғалаба онлари». Бадий фильм. 2-қисм.
15.00 Спорт ҳафтанома-си.
15.15 «Кусто командасининг сув ости саргу-

зашлари». Телесериал.
16.05 Истеъдод.
16.15 «Омад кулиб боқанда». Бадий фильм.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» почтаси.
17.55 ТВ-анонс.
18.00 Қўли гул уста.
18.20 Минг бир маслаҳат.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Умр дафтари». Рамз Бобожон. 1-кўрсатув.
19.55 Муҳаббат кўшиқлари.
20.10 Ёшлар овози.
20.30, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.35 «Герберт Уэллс олами». Кўп қисмли бадий фильм. 1-қисм.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат каҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида: 23.55 Давр.
1.00-1.05 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 40-қисм.
17.45, 19.10, 21.45 «Экспресс» телегазета-си.
18.05 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.10, «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Жозиба».
19.40 «Авто news».
20.30 ТТВда сериал:

«Азизим Изабелла».
21.30 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».
22.05 Пойтахт шарҳи.
22.30 Кинонигоҳ. «Лас-Вегасдаги таътил».
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30 - 9.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ 17.20-17.50
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Вести».
18.10 «Евроныйос» янгилликлари.
18.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйин.
21.00 «Время».
21.35 Бизнес - ревью.
21.40 В. Сюткин

ижросидаги концерт дастури.
22.35 «Аншлаг».
23.20 Топ-музика.
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
00.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 гача профилартика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Шоу соати.
17.40, 20.45 «Телехамкор».
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Жиян».
19.30 «Ошикона» мусиқий дастури.
19.45 «Қора қарга». Сериал.
21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Шаҳар торпедлари».
23.15 «30-канал» да спорт.

Seshanba 24

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
9.40 «Соз сеҳри».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
11.10 «Рангин дунё».
11.25 Кураш бўйича Осиё чемпионати.
11.45 Мусиқий танаффус.
«Болалар сайёраси»: 12.05 1. «Ён кўшнлар - жон кўшнлар». 2-қисм.
Видеофильм. 2-қисм.
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.15 «Париси бор уй».
13.35 «Сийёсат олами»

да».
13.55, 16.50 ТВ анонс.
14.10 «Санъатга бахшида умр».
14.40 «Сихат-саломатлик».
15.00 М. Ашурова. «Сеҳрли таёқча». Аббор Хидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
16.25 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуи».
18.30 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра». Бевосита мулоқот.
19.05 Мусиқий танаффус.
19.10 «Истеъмолчи».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Мумтоз наволар.
21.25 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
21.55 «Кўшигимиз сизга армуғон». С.Козиева.
22.20 Кураш бўйича Осиё чемпионати.
22.40 «Тарих кўзгуси». 8-қисм.
23.05 «Ахборот - дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.40 «Мультиомоша».
9.55 Саломат бўлинг.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 ТВ-анонс.
10.30 «Герберт Уэллс олами». Кўп қисмли бадий фильм. 1-қисм.

11.20 «Умр дафтари». Рамз Бобожон. 1-кўрсатув.
11.40 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 «Жюли Леско». Сериал. 7-қисм.
13.10 Кўҳна оҳанглар.
13.20 Интерфутбол.
15.00 Қўли гул уста.
15.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.10 Автосалтанат.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
17.00 «Мультиомоша».
17.20 ТВ-анонс.
17.25 Таянч.
17.45 Ёшлар гиёҳвандликка қарши.
18.00 Автопатруль.
18.20 Марди майдон.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Умр дафтари». Рамз Бобожон. 2-кўрсатув.
19.55 Ёшлик наволари.
20.15 «Давр»-интервью.

20.30, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.35 «Герберт Уэллс олами». Кўп қисмли бадий фильм. 2-қисм.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат каҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Нокаут.
23.35 Давр.
23.50 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.15-00.20 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 41-қисм.
17.45, 19.00, 21.55 «Экспресс» телегазета-си.
18.05 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Химоя».

19.20 «Спорт ва болалар».
19.35 «Мумтоз наволар».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Биз ва болалар».
22.35 Кинонигоҳ.
«Муҳаббат дарди».
23.55-00.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ 17.20-17.50
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Вести».
18.10 «Евроныйос» янгилликлари.
18.25 «Машхурлар». Наталья Седих.
19.00 «Ойлавий ришталар». Сериал.
20.00 «Рус рулеткаси».
21.00 «Время».
21.40 «Бизнес-ревью».
21.45 Кинематограф. «Фаришталар шаҳри». Бадий фильм.
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
24.00 FCN «Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз тилида)
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.
10.40 «Жанглов санъат олами».
11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал.
12.00 «Баландлик бўйлаб пойғалар». 1-сериал.
13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.00 «30-канал» да спорт.
16.50 Шоу соати.
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Илон териси».
19.30 «Ошикона». Мусиқий дастур.
19.45 «Қора қарга». Сериал.
21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Жайпур ёлдузи».
23.15 Рестлинг титанлари.

Chorshanba 25

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектефильм» намойиши: «Танбур».
9.20 «Бахтимизга омон бўлинг».
9.40 «Нафосат гулшани».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 «Истеъмолчи».
10.20 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
11.10 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра».
11.45 «Буни умр дерлар».
12.05 Кураш бўйича Осиё чемпионати.
12.25 ТВ клип.
12.35 «Остонаси тиллодан».
12.55, 13.55 ТВ анонс.
13.00 «Театр ва

музыка».
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Кизлар давраси».
15.45 «Ягона оилада».
16.15 «Ишонч».
«Болалар сайёраси»: 16.35 1. «Кичкинтоймиз-гизингтоймиз». 2. «Туғилган кун». Теленовелла.
17.35 Улоқ-қўлқари бўйича Республика чемпионати.
18.10 «Хунарманд».
18.30 «Умид». Телелотерея.
19.00 Бир жуфт кўшиқ.
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Н. Ахмедова номидаги Республика ёш хонандлари танлови ғолибларининг

концерти.
21.30 «Дунёқараш».
21.45 Ўзбекистон каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.15 «Тарих кўзгуси». 9-қисм.
22.35 «Ахборот - дайжест».
22.55-23.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.40 «Давр»-интервью.
9.55 Мусиқий лаҳзалар.
10.05 ТВ-анонс.
10.10 «Герберт Уэллс олами». Кўп қисмли бадий фильм. 2-қисм.
11.00 Таянч.
11.20 «Умр дафтари». Рамз Бобожон. 2-кўрсатув.
11.40 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
12.00 Ёшлар гиёҳвандликка қарши.

12.15 «Жюли Леско». Сериал. 8-қисм.
13.05 Ёшлар овози.
13.25 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис.
14.30 Кўҳна оҳанглар.
14.40 Автопатруль.
15.00 «Насиб». Бадий фильм. 1-қисм.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабу-тар», «Ҳамма нарсени билишни истайман».
17.10 «Мультиомоша».
17.25 Ёшлар овози.
17.45 Сийрат.
18.05 Йилнинг чемпионлари.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Умр дафтари». Рамз Бобожон. 3-кўрсатув.
20.00 Спортлото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Севги тароналари.
20.45, 21.15, 22.35 Эълонлар
20.50 «Рей Брэдбери

театри». Сериал.
21.20 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат каҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида: 23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 42-қисм.
17.45, 19.10, 22.20 «Экспресс» телегазета-си.
18.05 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.10, 22.40 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.30 «Ҳамшаҳарлар».
20.30 ТТВда сериал:

«Азизим Изабелла».
21.30 «Дорихона эшитида». Бевосита мулоқот.
23.05 Кинонигоҳ.
«Мартанинг ошиқлари».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ 17.20-17.50
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Вести».
18.10 «Евроныйос» янгилликлари.
18.25 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
19.00 «Ойлавий ришталар». Сериал.
20.00 «Заиф бўгин» телеуйин.
21.00 «Время».
21.40 «Бизнес-ревью».
21.45 Кинематограф. «Ой нури агентлиги». Бадий фильм.
22.35 Топ-музика.
22.45 «Форс - мажор».
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
24.00 «Ахборот» (рус

тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор».
9.30, 14.10 — Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.
10.40 «Яхши кайфият».
11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал.
12.00 «Баландлик бўйлаб пойғалар». 2-сериал.
13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.00 «30-канал» да спорт.
16.50 Шоу соати.
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Дон Винчендонинг гаройиб саргузаштлари».
19.30 «Ошикона». Мусиқий дастур.
19.45 «Қора қарга». Сериал.
21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Логан уруши».
23.15 Спорт дастури.

Payshanba 26

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»: 9.00 «Кичкинтоймиз гизингтоймиз».
9.25 «Ўзбектефильм» намойиши: «Сўзана ва чинни букюмлар».

9.40 «Хунарманд».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
11.15 «Мулк».
11.30 «Озда бўлса шаҳринг».
11.50, 14.30 ТВ клип.
12.05 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
13.05 Н. Ахмедова

номидаги Республика ёш хонандлари танлови ғолибларининг концерти.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Чегарачи».
14.40 Кундузги сеанс: «Кизил қор ёқанда». Бадий фильм.
15.55 «Меҳр қолур».
16.15 «Ўзбекистон бастакорлари».
«Болалар сайёраси»: 16.35 1. «Болалиқнинг мовий осмони». 2. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
17.35 «Харита». Халқаро

шарҳ.
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.00 Бир жуфт кўшиқ.
19.10 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Соғлом она - соғлом бола».
21.25 «Лазги» ашула ва

ракс ансамблининг концерти.
21.50 «Гиёҳвандлик - аср вабоси».
22.10 «Аския».
22.35 «Тарих кўзгуси». 10-қисм.
22.55 «Ахборот-дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабу-

тар», «Ҳамма нарсени билишни истайман».
9.50 Тафаккур ёлқинлари.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 ТВ-анонс.
10.20 Жаҳон жуғрофияси.
11.10 «Умр дафтари». Рамз Бобожон. 3-кўрсатув.
11.30 Спорт-китъаси (рус тилида)
12.00 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.20 Ёшлар овози.
12.40 «Жюли Леско». Сериал. 9-қисм.
13.30 Кўҳна оҳанглар.

13.40 Интерфутбол.
15.20 Сийрат.
15.40 «Насиб». Бадий фильм. 2-қисм.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри».
17.40 Мутолаа.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлик кўшиқлари.

20.00 «Давр»-интервью.
20.15 Кутқарув «050».
20.30, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.35 «Герберт Уэллс олами». Кўп қисмли бадий фильм. 3-қисм.
21.30 Бегойим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Мухаббат қахваси». Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканалли
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 43-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазета-

си.
18.05 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Навнихол».
19.25 «Камолот фасли».
19.45 «Эхтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.45 Кинонигоҳ. «Сизга ўхшамасмикин».
00.25-00.30 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал
Биринчи канал 7.30-9.00
Туркия телевидениеси 17.20-17.50
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Вести».
18.10 «Евроныос» янгилклари.
18.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Оилавий ришталар». Сериал (Сўнгги

қисм)
19.55 «Сўнгги қахрамон-2».
21.00 «Время».
21.40 Бизнес ревью.
21.45 «Виртуал олам».
21.55 «Сокхер клуб».
22.15 «Хинд оханглари».
22.40 Кинематограф.
«Ой нури агентлиги».
Бадий фильм.
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
00.00 FCN «Ўзбекистон янгилклари» (инглиз тилида)

00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Баландлик бўйлаб пойғалар». 3-серия.

13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал да спорт». 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Марҳум дўсти». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Кора қарға». Сериал. 21.05 «Клип-совага». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Муаммолар йўқи». 23.15 Спорт дастури.

JUMA

27

«Ўзбекистон» телеканалли
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Сехрли ҳарфлар оролчаси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилклар
10.05 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
10.55 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
11.15 «Гийёҳандлик - аср вабоси».
11.35 «Ўзликнинг намойиш қил». Экранда - Тошкент вилояти.
12.05 Мусикий танаффус.
12.15 «Топилмалар идораси». Мультфильм.
12.35, 13.55 ТВ анонс.

12.40 «Қайнона». Теленовелла.
13.00 «Лазги» ашула ва ракс ансамблининг концерти.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 «Оталар сўзи - аклининг кўзи».
15.10 «Моҳият».
15.30 «Живз ва Вустер». Телесериал.
16.20 ТВ клип.
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Уйла, изла, топ». Телемусобақа. 2. «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
17.35 «Шахс ва жамият».
18.10 «Кўшигимиз сизга армуғон».
18.30 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустақамлиги йўлида».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Бир жуфт кўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сийёсат оламида».
21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
21.55 «Олтин бешик».
22.20 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
22.40 «Тарих кўзгуси». 11-қисм.
23.00 «Ахборот - дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалли
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри».
9.40 Мультфильм.
9.50 «Давр»-интервью.
10.05 ТВ-анонс.
10.10 Мусикий лаҳзалар.

10.20 Минг бир маслаҳат.
19.35 ТВ-анонс.
10.40 «Герберт Уэллс олами». Кўп қисмли бадий фильм. 3-қисм.
11.30 Бегойим.
11.50 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
12.10 Мутлола.
12.30 «Жюли Леско». Сериал. 10-қисм.
13.20 Ёшлар овози.
13.40 Интерфутбол.
15.20 Кўхна оханглари.
15.30 «Кўсто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.20 Маърифат маскани.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: «Ҳар соҳага саёҳат». «Савол беринг-жавоб берамиз».
17.10 «Мульттомоша».
17.40 ТВ-анонс.
17.45 Дунё ажойибтлар.
18.05 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
18.20 Ёшлар овози.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Coscom» хабарлари.
19.50 «Ёр ишқи». Мусикий дастур.
20.10 «Давр» нигоҳи.
20.30, 21.35, 22.35 Эълонлар
20.35 «Герберт Уэллс олами». Кўп қисмли бадий фильм. 4-қисм.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Мухаббат қахваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Ринг кироллари».
00.10 Давр.
00.20 «Жаҳон цирки».
1.10-1.15 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканалли
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 44-қисм.
17.45, 19.15, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани».

18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Ёшлар худуди».
19.35 «Совға» Қисқа метражли бадий фильм.
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Эл хизматиде».
22.30 Кинонигоҳ «Корбурун ўйини».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
Биринчи канал 7.30-9.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 17.20-17.50
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Вести».
18.10 «Евроныос» янгилклари.
18.25 Ҳужжатли детектив.
19.00 «Нотр-Дам де Пари». Афсонавий мюзикл.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.30 «Юлдузлар

фабрикаси».
22.45 «Ахборот» (рус тилида)
23.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Ҳуш келибсиз, ёки бегоналар кириши ман этилади!». Комедия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал да спорт». 16.50 Шоу соати. 18.00 «30-да ринг кироллари». 18.50 Юмор дастури. 19.30 «Ошиқона», мусикий дастур. 19.45 «Кора қарға». Сериал. 21.05 «Клип-совага». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Марҳумлар ўлмайдилар». 23.15 Спорт дастури.

Shanba

28

«Ўзбекистон» телеканалли
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 «Уйла, изла, топ!» Телемусобақа.
9.40 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустақамлиги йўлида».
10.00 «Робин Гуд». Мультфильм.
11.20 ТВ анонс.
11.25 «Маърифат». Телеальманах.
11.45 ТВ-1 кинотеатри: «Сангам». Бадий фильм. 1-қисм.
13.15 Хоразм наволари.
13.40 «Сангам». Бадий фильм. 2-қисм.
«Адабий жараён»:
15.20 1. «Езувчи ва замон». 2. «Мушоира».
15.50 «Довонлар оша».
16.10 «Ягона оилада».

16.40 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.00 Болалар учун. «Фламинго».
17.20 «Рангин дунё».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Мўъжизалар майдончаси».
18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.00 «Ўзбеккино» тақдим этади: «Сўнгги имкон». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилклари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
21.25 Эстрада тароналари.
21.50 Телевизион минияторалар театри.
«Тунги ёғду»:
22.30 «Аёл таровати».

Бадий фильм. 1-қисм.
23.50 «Ахборот - дайжест».
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалли
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр» Тонгги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Ҳар соҳага саёҳат», «Савол беринг-жавоб берамиз».
9.30 «Мульттомоша».
9.45 Болалар клуби.
10.10 Табобат оламида.
10.30 ТВ-анонс.
10.35 Мусикий лаҳзалар.
10.50 «Герберт Уэллс олами». Кўп қисмли бадий фильм. 4-қисм.
11.40 «Давр» нигоҳи.
12.00 Ринг кироллари.
13.00 Ҳарбий-ватанпарварлик кўшиқлари.
13.10 Ёшлар овози.
13.30 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Теннис.
14.10 Кўхна оханглари.
14.20 Синфдош.
14.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.

15.40 Оила тилсими.
16.05 Ҳуқуқ ва бурч.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
17.00 «Мульттомоша».
17.15 Бола тилидан.
17.45 ТВ-анонс.
17.50 Футбол плюс.
18.10 Саломатлик сирлари.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ёшлик кўшиқлари.
19.45 «Давр» - репортаж.
19.55 Кутилмаган меҳмон.
20.20, 21.15, 22.35 Эълонлар
20.25 «Герберт Уэллс олами». Кўп қисмли бадий фильм. 5-қисм.
21.20 Оханрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Тунги тароналар.
22.55 Кинотақдим.
23.15 «Ёшлар» телеканалида премьераси: «Янги йил эртаги». Бадий фильм.

00.45-00.50 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканалли
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.10, 19.40, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Кўза» Қисқа метражли бадий фильм.
19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)
19.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.00 «Мусикий лаҳзалар».
20.10 ТТВда сериал: «23, 5 даражали бурчак остида». 45-46-қисмлар.
21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача.
21.40 «Афиша».
22.00 Кинонигоҳ. «Форест Гамп».
00.00-00.05 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусика».
9.10 «Мультсеанс».
10.10 «Лаззат».
10.30 Е. Петросьяннинг «Кулгу панорамаси».
11.10 «Табиатшунос билан саёҳат».
11.40 «Каспер». Кинокомедия.
13.30 «Сирасини айтганда». Ток-шоу.
14.10 «Ишбилармон кишилар».
14.30 «Экран зийнати ва қиймати».
14.55-15.55 «Дўстлик» видеоканали: «Бизнен мирас», «Чинсэн», «Ўзбекистон умумий ўйимиз».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Ассалом, Франция!»
17.15 «Дурдаршан».
17.40 «Нигоҳ».
17.55 «Мюзик холл».
18.15 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди».

Байрам сони.
19.55 «Сўнгги қахрамон-2».
21.00 «Время».
21.30 «Сўнгги қахрамон-2». Финал.
23.20 «Нима?» «Қаерда?» «Қачон?»
00.45 Ахборот (рус тилида)
1.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 Юмор дастури. 12.00 Оилавий кино. «Бахтли чўртанбалик» командирини. 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Хинд киноси: «Мен билан ҳазиллашма». 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Рўйхат». 19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 20.30 «Клип-совага». Телетабринома. 21.05 «Нина. Севги учун ҳақ тўлаш». Сериал. 22.00 «30-канал» кинооқшоми: «Шири».

Yakshanba

29

«Ўзбекистон» телеканалли
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот».
8.40 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
9.20 «Ғаройибот».
9.40 «Ёнғоқ новдаси». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 Телевизион минияторалар театри.
12.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
13.00 Эстрада тароналари.
13.25 ТВ-1 кинотеатри: «Сабрина». Бадий фильм.
15.25 «Зиё тарқатувчилар».
15.35 ТВ клип.
15.45 «Қалб гахари».
16.05 «Уй бекаси».

16.25 «Сарҳад билмас дўстлик».
16.45 ТВ анонс.
16.50 «Портретга чизгилар».
«Болалар сайёраси»:
17.10 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 2. «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
18.05 «Талабалик йилларим».
18.25 «Туртинчи ҳокимиёт».
18.45 «Оқ олтин». Телелотерея.
19.15 Бир жуфт кўшиқ.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Якшанбада Сиз билан бирга».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Умирини кўшиққа бағишладим». Н. Абдуллаева.
Якшанба кинозали:
21.50 «КиноТеатр».
22.10 «Аёл таровати».

Бадий фильм. 2-қисм.
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалли
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр» Тонгги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
9.25 ТВ-анонс.
9.30 «Давр»-репортаж.
9.40 Футбол плюс.
10.00 Оханрабо.
10.35 «Герберт Уэллс олами». Кўп қисмли бадий фильм. 5-қисм.
11.25 Очил дастурхон.
11.40 «Заковат» интеллектуал ўйини.
12.20 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон 2. Аскар мактублари.
13.00 Болалар экрани: «Шоҳ Султон ҳақида эртақ».
14.00 Йилнинг чемпионлари.
14.20 Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари кўйлайди.
14.40 Қишлоқдаги тенгдошим.

15.00 «Жавоҳир полициячи». Бадий фильм.
16.30 Кўхна оханглари.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», Кўшиқ бизларга ҳамроҳ.
17.20 ТВ-анонс.
17.25 Спорт йилномаси.
17.50 Очун.
18.15 Оқшом наволари.
18.25, 21.55 Иқлим.
18.30 «Давр»-news.
18.50 ТВ-анонс.
18.55 Мухаббат кўшиқлари.
19.15, 20.10, 22.35 Эълонлар
19.20 «Герберт Уэллс олами». Кўп қисмли бадий фильм. 6-қисм.
20.15 Жараён. 1-қисм.
20.35 Зинама-зина.
21.25 Жараён. 2-қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Тунги тароналар.
22.50 «Ёшлар» телеканалида премьераси: «Мўъжизалар фасли». Бадий фильм.
00.20-00.25 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканалли
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.00, 20.40, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Жаҳон географияси».
19.50 «Телефакт».
20.0 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 47-48-қисмлар.
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.25 «Сухбатдош».
22.05 Кинонигоҳ. «Омадлик жентельменлар».
23.35-23.40 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусика».
9.10 «Мультсеанс».
9.35 «Кулгу хонаси».
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдилари».
10.30 «Хамма уйдалигида».

11.55 «Парле ву франсе?»
12.20 «Фан-тайм».
12.30 Болалар соати: «Санта Клаус юртига парвоз». Бадий фильм.
14.00 «Инглиз тили сиз учун».
14.25 Хусусийлаштириш қадам бақадам.
14.45-16.05 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Рангинкамон», «Озарбайжон тухфалари», «Корейс тилини ўрганамиз».
17.45 Кўрсатувлар тартиби:
17.50 «Ҳазиналар уммони».
18.15 «Шимолий Атлантидан излаб».
18.40 «Мусикий серпантин».
19.10 КВН-2002. Финал.
21.30 «Олтин микрофон». Финал.
Тунги канал: «Ҳали кеч эмас...» Янги йил дастури.
23.15 «Шлягер».
23.35 «Моданинг гўзал дунёси».
23.50 Т. Полонская билан бирга.
00.10 Хит-парад.
00.30 «Яшаш воситаси».
00.45 «Тахлилнома».

01.20 «Бешинчи гилдирак».
1.35 Тунги навбатчилик.
2.00 Муз-Зона.
2.20 Автострада.
2.40 Киносеанс: «Янги йил совғаси». Бадий фильм.
4.00 Тунингиз осуда бўлсин!
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Банзай». 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Кундузги кинозал. «Қвинсда шундай бўлади». 16.10 Дам олиш дастури. 16.40 «Яширин камера билан». 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Босиб олиш-2». 19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Бизда ҳамма уйда». Ҳажвий сериал. 20.30 «Клип-совага». Телетабринома. 21.05 «Нина. Севги учун ҳақ тўлаш». Сериал. 22.00 «30-канал» да якшанба кинооқшоми. «Олтинчи хиссиёт». 23.40 Спорт шарҳи.

ОТАМНИНГ ЎКИНЧИ



Истеъдодли шоир Маҳмуд Тоир «Отамнинг ўкинчи» номли янги достонини ёзиб тугатди. Унда ота-она, оила муқаддаслиги, Ватанга хиёнатнинг умрлик азоблари, шунингдек,

ҳаётдаги пасту баландликлар ҳақида шоирона фалсафий мушоҳадалар ўз муҷассамини топган.

Қуйида ана шу достондан бобларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Отам ўтди дунёдан,
Армонин олиб кетди.
Мен улгайдим. Бу армон,
Қалбимда қолиб кетди.

Аввал шукрим, Тангрига,
Уғил берди, қиз берди.
Йўлдош бўлди яхшилар,
Назар берди, туз берди.

Аммо бир кам дунёнинг,
Ками сира тўлмаскан.
Яхши минг йил яшамас,
Ёмонлар ҳам ўлмаскан.

Пули йўққа бу дунё,
Бозорлиги бекордир.
Айши кўпга оламнинг,
Озорлиги бекордир.

Тилаганинг бермаса,
Тиланчилик ҳам азоб,
Очмасанг, ўқимасанг,
Тош билан тенг ҳар китоб.

Ҳар куннинг ўз қувончи,
Ҳар куннинг ўз дарди бор.
Ҳар куннинг ўз сотқини,
Ҳар куннинг ўз марди бор.

Ҳар тонг отам қаршимда,
Тиловатда тирилар.
Уша таниш хуш нафас,
Юзларимга урилар.

Узу кун ҳам ёдимда,
Савобга чорлаб турар.
Йўл ахтарсам гоҳида,
Ёғдудек порлаб турар.

Дейди: Уғлим, унутма,
Ёлғон ёзиб яшама.
Сўнг тағналар тошида,
Патдек тўзиб яшама.

Дунё дарди олдиди,
Сенинг дардинг бир томчи.
Қоғозингга ҳам сиғмас,
Бу оламнинг қувончи.

Ҳақ сўз Ҳақнинг ҳукмидир,
Тиғи тегар юракка.
Раҳминг келсин энг аввал,
Бўзлаб турган гўдакка.

Юзин булут тўсганда,
Ойни армон эзади.
Ҳақсизлик бандасини
Тошдан ёмон эзади.

Отамга армон бўлган,
Дард эди, алам эди.
Отамнинг ўкинчлари
Менинг ҳам нолам эди.

Болаликда бағримга,
Ботган тошлар ҳамон бор.
Жилмаяди хиёнат,
Сотқин каслар омон бор.

Ажаб дунё экан бу,
Яхшиликдан толмайди.
Заволи ҳам кўп экан,
Ёмонликдан қолмайди.

Тўлганини ким кўрган,
Аждаҳонинг комини.
Имкон бўлса ўқирсиз,
Достоним давомини.

У... биродарлар, балки ўйларсиз, бу не шоирким, достон айтса гамдан айттар, кўзлардаги намдан айттар! Нетайки, тақдирига тош теккан кимсалар, ҳузурингда қон йиғлаб турсалар. «Ёзинг шоир, борин ёзинг, кўнглимининг зорин ёзинг» десалар. Аслида ҳам қаршида бўзлаб турган ҲАМ-

нинг юзига парда тортиб, ҳали туғилмаган ҚУВОНЧНИ излаб юрган шоир қаламини ўз юрагига санчиб қўя қолгани маъқул. Зеро, «банда тадбир қилади, Оллоҳ тақдир қилади». Тақдирига қайғу битилса ҳам сабрга султонлик қилиб, ётнинг ямоғидан ҳазар қилгувчилар қанча!.. Аксинча, бир лўқма хуш таом, лаҳзалик лаззат, бир сиким пул учун етти пуштининг руҳини қон қақшатиб, етти авлодини сотиб юрганлар, қанча!..

Ватанни севмоқ иймондандир, дейлади. Ватанни сотиш нимадан бошланади? Кўнглини сотишданми? Нафс голиб келган жойда кўнглининг кўзи кўр бўлади.

Ёзмоқ осон кўксингга,
Қувонч гул тақиб турса.
Юрагиндан йўл солиб,
Бахт сели оқиб турса.

Ёзмоқ оғир жонингдан,
Минг бир алам таралсан.
Иқбол сўрсанг ва лексин,
Пешонанг шўр яралсан.

Демис асли бу дунё,
Синов учун майдондир.
Кимга яшаш кўп қийин,
Ўзгасига осондир.

Бирин бахти ўзгасин,
Кўзин чиқариб келган.
Гўдаклар бор дунёга,
Сочи оқариб келган.

Бир-бир айтсанг дунёнинг,
Ситамига поён йўқ.
Достон бўлса не ажаб,
Юрагимда ёнган чўғ.

Бу андуҳлар фарёди,
Туғилган маконимда.
Ҳасрати тилимдаю,
Тикони товонимда.

— Эри хиёнат қилган аёлнинг кўзларига кўзингиз тушганми? Хотини хиёнат қилган эркакни-чи?! Улардан кўнгли сўраганмисиз? Уларга кўнгли бериб бўлади-ми ўзи? Хиёнатда кўнгли борми аслида?.. Унинг юзи, туси қандай бўлади? Буни бир-бирига хиёнат қилган ота-ондан эмас, хиёнатнинг жабрини тортаётган гўдаклардан сўранг.

Улар севишиб турмуш қуришганди. Парвардигор уларга икки қизча, бир ўғил ато этди. Янги ёпилган нон исдайдир бирларининг димоғларидан бир-бирларининг мушқ-анбарлари кетмасди. Тоғлардан жилдираб тушаётган ирмоқлар оила деган мусаффо дарёда кўшилиб оқарди, жўш уриб оқарди.

Йўлдан шайтон отлик бадбахт чикди. Унинг қўлида хиёнат отлик тўғон бор эди. Бу тўғон эрнинг қўли билан меҳр ирмоқлари йўлига ташланди. Эр аёлига хиёнат қилди. Хиёнат кимларгадир ошкор бўлди. Икки киши билган сир сир эмас. Аёл наздида эри виждонини сотганди, иймонини сотганди... Бир сўз билан айтганда, у сотқинлик қилганди...

Аёл бу аламга чидалмади... Бу хиёнатни кўтаролмади... Ўзини ўзи ёқиб юборди. Катта қизи ўн олти, ўғли ўн икки, кичкинаси уч ёш эди... Бадбахт эр болалари билан ёлғиз қолиб кетди...

Бу уйда кеча-кундуз,
Бўзлашади болалар.
Гир айлиб онасин,
Излашади болалар.

Қаттасининг оҳлари,
Тўқилганда тилидан.
Иймони бор одамнинг,
Қонлар оқар дилидан.

— Ая, ая, аяжон,
Уйга сиғмай кетяпман.
Кундуз чопиб, тун чопиб,
Сизга етмай ўтяпман.

Девордаги осиглиқ,
Рўмонингиз йиғлайди.
Уй ичиди чарх уриб,
Уволингиз йиғлайди.

Жисмимизда жон йиғлар,
Дастурхонда нон йиғлар.
Пиёлада чой йиғлар,
Юлдуз йиғлар, ой йиғлар.

Сизни кундуз ахтарсам,
Кундуз йиғлар биз билан.
Уйдаги гул, дов-дарахт,
Илдиз йиғлар биз билан.

Укажоним кулгуси,
Юзларига сиғмасди.
Наин кулгу, бу дунё
Кўзларига сиғмасди.

Чоҳга тушган тойчоқдек,
Талпинади сиз томон.
Тилин тишлаб йиғлайди,
Кўрмайсиз-да, онажон!

Жисму жоним қақшатиб,
Дейди бир кун ногаҳон:
— Отанг ўлса билмадим,
Опанг ўлса кўп ёмон.

Оҳ, онажон, онажон,
Бўзлайвериб сил бўлдим.
Борса келмас йўллардан,
Излайвериб сил бўлдим.

Овутолмай синглимни,
Йиғлайдилар дадам ҳам.
Бошин мушглаб жонини,
Тиғлайдилар дадам ҳам.

Кўргим келар аяжон,
Юзингиз, кўзингизни.
Бизни уйдан кузатиб,
Ёқибсиз ўзингизни.

Қандоқ гўзал эдингиз,
Қандоқ ёниб ўчдингиз.
Гуноҳимиз не эди,
Биздан нечун кечдингиз?

Бўларди-ку, аяжон,
Уйласангиз бизларни.
Ким олади бағрига,
Етим ўғил-қизларни.

Сизсиз дунё қоронғу,
Хунук экан уйимиз.
Эзиб қўйди бизни гам,
Ерга ўеди бўйимиз.

Синглим Гулшан бир кун,
Сизни йўқлаб толганди.
Алампдан маст бўлиб,
Дадам ухлаб қолганди.

Уйимизга ногаҳон,
Учиб келди капалак.
Қанотлари қип-қизил,
Чўчиб келди капалак.

Гир айланди бошимда,
Кўрқдим бироз жон ҳалак.
Синглимнинг болишига,
Секин қўнди капалак.

Қарамади дадамга,
Қарагиси келмади.
Қапалакжон дадамни,
Нега кўзга илмади?

Қапалакжон, капалак,
Сен аямнинг арвоҳи.
У дунёдан келдингми,
Дадамнинг не гуноҳи?

Оҳ, гуноҳкор бўлсалар,
Йиғлайдилар не учун?
Бошин мушглаб жонини,
Тиғлайдилар не учун?

Бизни яхши кўрармиш,
Бермаскан бировларга.
Сизни кимлар ташлади,
Оҳ, унда оловларга?

Сизсиз ая тун ўзоқ,
Тонлар сира отмайди.
Шўрпешона бу бошим,
Болишларга ботмайди.

Овутмоқ-чун синглимни,
Бир нима топиш керак.
Энг яхши ўйинимиз,
Оқ теракми, кўк терак.

Яхши ўйин деймиз-у,
Йиғлаб-йиғлаб ўйнаймиз.
Бағримизни, аяжон,
Тиғлаб-тиғлаб ўйнаймиз!

— Оқ теракми, кўк терак,
Гулшан сенга ким керак?
— Биймайсизми шуниям,
Менга аямла кейа-й...

— Оқ тейайми, кўк тейа-й...
Айча, сизда ким кейа-й?
— Сингилжоним менга ҳам,
Аям, аямлар керак!

— Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак.
— Худо, Худо, Художон,
Бизга аямлар керак!

Такрорлаймиз минг бора,
Юрак яра, дил пора.
Айт, Художон, Художон,
Ўлимга борми чора?

Гар ой чиқса осмонга,
Кимнинг кўнгли ёришмас.
Етимларнинг кўз ёши,
Қувончга ҳеч қоринмас.

Бу дунёнинг оҳларин,
Ҳар ким тортар ўзича.
Бу дарду гам бормикин,
Шу болалар бўзича?

Бўтадек бўзлаётган,
Болаларнинг ёнидан.
Кўзин юмиб ўтса ким,
Айрилган иймонидан.

Уйинг куйсин хиёнат,
Бўйинг куйсин хиёнат.
Ёлғон дунё сенга ҳам,
Боқий эмас, омонат!

Иймонини сотганлар,
Виждонини сотганлар.
Гўдак оҳи кўр қилар,
Юраги тош қотганлар.

Қайси уйда хиёнат,
Жилмаяди туну кун.
Уша уйга диёнат,
Бегонадир, бағри хун.

Қай уйга қуёш тушмас,
Ой боқмайди осмондан.
Шу уйда бирор кимса,
Айрилгандир виждондан.

Бу дунёда ёронлар,
Хиёнатнинг тўри кўп.
Бўзлар ҳатто хоқонлар,
Сотқинликнинг тури кўп.

Қаламим қон қақшайди,
Оқ қоғозинг устида.
Жоним чиқар дардлар бор,
Юрагимнинг остида.

Маҳмуд ТОИР.

Ўзбекистон – Япония: Таълимдаги ҳамкорлик

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишда нуфузли халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши яхши самара бераётир.

Жумладан, 2001 йилда Япония халқаро ҳамкорлик банки – JBIC мамлакатимиз ҳукуматига 6 миллиард 347 миллион япон иенаси миқдоридан кредит ажратди. Ушбу кредит JBIC ҳамда Осие тараққиёт банки томонидан ҳамкорликда молиялаш усулида "Ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимини ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш учун сарфланиши кўзда тутилган.

Ўттиз ойга мўлжалланган мазкур лойиҳанинг ижроси жорий йилнинг март ойидан бошланди. Лойиҳани амалга оширишда Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига кунчиқар юртнинг ЮНИКО Интернэйшнл Корпорейшн ташкилотининг ходимлари яқиндан кўмаклашаётир.

Тошкентда иш бошлаган республика анжуманида ана шу лойиҳанинг истиқболли режалари муҳокама этилади. Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фуломов, Япониянинг юртимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси А.Кавато, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбари, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ж.Хусанов ва бошқалар Ўзбекистондаги таълим тизимидаги ислохотлар бугун ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Зеро, бу ижобий ўзгаришлар бутун дунёда таълим ислохотининг ўзбек модели сифатида эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Ўн кун давом этадиган ушбу семинарда "Ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида Японияда малака ошириб келган мутахассисларнинг маърузалари тингланади, жаҳондаги ўқитиш жараёни қиёсий таҳлил этилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиалида

Ўтган ҳафтада 1 та ким ошди савдоси ва 3 та биржа савдоси бўлиб ўтди.

Ким ошди савдосида Зангиота туманида жойлашган 2 та ер майдони, Чирчиқ шаҳрида жойлашган 1 та ер майдони, Оҳангарон туманида жойлашган 8 та ер майдонлари, Бекобод шаҳрида жойлашган 1 та ер майдони, Куйичирчиқ туманида жойлашган 4 та

ер майдонлари жами 2312,0 минг сўмга сотилди.

Биржа савдосида 7 та нодавлат автотранспорт воситаси жами 5450,0 минг сўмга, 1 та давлат кўчмас мулк объекти 552,0 минг сўмга сотилди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2003 йил 22, 29 январь ва 5, 12, 19, 26 февраль кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги ким ошди савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

Янгийўл тумани «Янгийўл МТП» ОАЖга қарашли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари:

1. «ММ3-554» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 61-78 ТШП, 1984 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 948900 сўм.

2. «УАЗ-3303» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 34-66 ТШП, 1991 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 386600 сўм.

3. «ЗИЛ-133» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 89-04 ТШМ, 1987 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 948900 сўм.

4. «ЗИЛ-157» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 87-28 ТШМ, 1987 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 3795600 сўм.

5. «МАРАЛ-125» русумли қишлоқ хўжалиги машинаси, 1997 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 5029500 сўм.

6. Юқоричирчиқ тумани ДСИ томонидан хатланган, Юқоричирчиқ туманида жойлашган «МПК-419» МЧЖга қарашли «УАЗ-31512-01» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 04-70 ТША, 1987 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 400700 сўм.

Бундан ташқари, олдинги ким ошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш хизмати ҳақини алоҳида «Хусусийлаштиришга кўмаклашувчи консалтинг маркази» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй. Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

РЕСПУБЛИКА ШИРКАТ ВА ДЕҲҚОН-ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Бўстонлик туманидаги ОАЖ «Ғазалкент» фирмаси (Ғазалкент консерва заводи) раҳбарияти ширкат ва деҳқон-фермер хўжалиқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаси эҳтиёт қисмларини сотади ва 2003 йил ҳосили ҳисобидан бўнак сифатида тарқатади

Қишлоқ хўжалик техникасининг эҳтиёт қисмлари РЎЙХАТИ

Қисм номи	сон	ўлчами	Қисм номи	сон	ўлчами	Қисм номи	сон	ўлчами
- РОР ўлчагичлари	172	дона	- Оралик плитаси	4	дона	- Итаргич роликлари	1530	дона
- Турли юқори босим қувурчалари	964	дона	- Турли редукторлар	2	дона	- Илгақлар	57	дона
- Турли коробка шестернялари	615	дона	- Ўқлар	13	дона	- Хомут	37	дона
- Турли Вом валлари	162	дона	- Помпа вали	139	дона	- Параз шестернялари	97	дона
- Бирламчи валлар	31	дона	- Дефринсал корпуси	20	дона	- Юқори босим цилиндри	52	дона
- Турли лонжеронлар	48	дона	- Оралик қалинқоғози	20	дона	- Юлдузча гайкалар	24	дона
- Турли иккиламчи валлар	50	дона	- Барабан	8	дона	- Мой сўргич корпуси	25	дона
- Гупчак	103	дона	- А-1 тирсақли вал	2	дона	- Подшипник қопқоқлари	5	дона
- Олдинги вилкалар	27	дона	- Турли клапанлар	183	дона	- Катта халқалар	20	дона
- Турли подшипник қобиклари	128	дона	- Турли подшипниклар	220	дона	- Баробан илгақлари	15	дона
- Сиқув водилалари	46	дона	- Итаргич	976	дона	- Олд дисклари	19	дона
- МТЗ полуоси	148	дона	- Культиваторнинг ишчи органлари	164	дона	- Плуг тиргаки	111	дона
- Двигатель илгаги	118	дона	- Филдиракли йўналтиргичлар	20	дона	- Уя (гнездо)	88	дона
- Олд балка	38	дона	- Олд диск	24	дона	- Турли халқалар	200	дона
- Стартер	15	дона	- Турли подшипник қобиклари	341	дона	- Ёнилғи қувурчалари	53	дона
- Шестерня	30	дона	- Водила корпуси	66	дона	- Йиғилган корзина	26	дона
- ДТ-75 катог	30	дона	- Висок шестернялари	120	дона	- НШ-32	5	дона
- Втулка	768	дона	- Гидроқулайтиргич	13	дона	- Йиғилган сегмент	13	дона
- МТЗ шкиви	160	дона	- Шатун	8	дона	- Кранштейн	176	дона
- ДТ-75 балансири	24	дона	- Ҳавотозалагич	5	дона	- Турли распрдваллар	23	дона
- Каток тиргаги	244	дона	- К-700 қалинқоғози	4	дона	- Уя (гнездо)	15	дона
- Тиргак халқалари	229	дона	- Конус шестернялари	35	дона	- Маслотром илгақлари	136	дона
- Плуг отвали	43	дона	- Катоклар тиргагичи	48	дона	- Турли подшипниклар	195	дона
- Арра манжети	1773	дона	- Поддон кранштейни	296	дона			
- Кажава лаппаги	10	дона	- Клапанларни созлаш болтлари	70	дона			

Манзил: Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 49. ОАЖ «Ғазалкент» фирмаси.

Замонавий асбоб-ускуналар — клиник амалиётга

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Филипс компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Клиник амалиётда янги ахборот ечимлари" мавзuida илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда маҳаллий шифокорлар, АҚШ, Германия, Франция, Швейцария ва Украинадан ташриф буюрган мутахассислар иштирок этди.

Жаҳонга машҳур Филипс компанияси Ўзбекистонда ўз фаолиятини 1995 йилдан бошлаб юритиб келмоқда. Компания тиббиёт муассасаларини

юқори технологияли тизимлар билан жиҳозлаш борасида катта ижобий тажрибаларга эга бўлиб, кейинги уч йилда ATL, Agilent Technologies, ADAC

Laboratories, Marconi каби бир қанча жаҳонга машҳур тиббиёт компанияларини сотиб олди. Бугунги кунга келиб компания бутун дунёда 20 минг нафар ходимига эга. Иншоотларни режалаштириш, батафсил таснифлашни тузиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш ишларини амалга ошириш, асбоб-ускуналарни етказиб бериш ҳамда уларга кафолатли сервис хизматини

кўрсатиш Филипс компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу семинар доирасида Филипс компаниясининг тиббиёт техникалари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Кўргазмада компьютер ва магнит-резонанс томографлар, ангиографик рентген-тизимлар, кардиология, монитор, ультратовуш ташхис тизими, позитор-эмиссия ҳомографлари ва бошқа асбоб-ускуналар намойиш этилган.

Хулқар СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

Bolalik bog'i

YO'LGA CHIQQDIM



Yo'llarni changitib sho'x bolaligim,
Quyulmoq neligin bilmay o'tmoqda.
Tog' osha guldirab, shalolaligim —
Olisga etaklab olib ketmoqda.

Ko'ngilni quvnatar ajib hayajon,
Yo'llarga boqaman ufqi ko'rinmas.
O'ylarim hamrohim, shoshar xayolchan,
Yo'ldaman, yo'larda charchoq bilinmas.

Boraman, shodligim qalbg'a sig'masdan,
So'qmoqdan piyoda yo'l boshigacha.
Shu yo'llar mafuni bo'ldim sezmasdan —
Qadamim etadi to quyoshgacha!

Yo'limgi topoldim, doimo g'olib,
Bog'larni oralab saharda chiqdim.
O'lkaning muattar bo'yini olib,
Huv, olis yo'llarga Safarga chiqdim!

Shavkat TUROB.

Буни ҳаёт дейдилар

САДОҚАТ



Маҳалламизнинг кайвони кампирларидан бири Ойтўра ая ҳақида ажойиб гаплар юради. Ойтўрагон ёшлигида суксурдай, эркаклардай мардона қадамли, чўрткесар жувон бўлган эканлар. Уруш туфайли

исм кўйибди, бири «Кимсан», иккинчиси «Нағибжурсан».

Уй эгаси шом тушганда, атрофни бир айланиб, овозининг борича қоровулларини чақираркан: Ким-с-а-а-н, Нағибжур-са-ан... Унинг овозини ҳатто кўшни ҳовлилардаги қиз-жувонлар эшитишиб, кўнгиллари жойига тушгандек бўларкан.

Кучукчалар эса, бирин-кетин қаерда бўлса ҳам етиб келишаркан, мабодо бузуқ ният билан қаердадир пусиб келаётган кимса бўлса, «оббо, бу эркакшода жувон сезиб қолди-ку», дея қочиб қоларкан. Ойтўра ая шундай қилиб, фақат ўзинигина эмас, барча қиз-жувонларнинг, балки қишлоғининг номусини сақлаб қолган экан.

Уруш тугаб, осойишта кунлар келганда, боласини етаклаб, нуридийдаларини кутгани пешвоз чиқибди. Икки ёнида эса, уруш тугагунча нақ бўридай-бўридай келадиган келбатли ҳалоскор кучуклари турармиш...

Ойтўра аянинг юртига, элига, оиласига садоқати, муҳаббати ҳақидаги бу ҳикоятни у кишининг невараси Садоқат ён дафтарига яхшилаб ёзиб олган.

Анора КАРИМОВА.

Ўзбекистон Фан ва технологиялар маркази ҳузуридаги трансфер технологияси агентлиги "Фотон" очик турдаги акционерлик жамияти билан қуёш батареялари системасини ишлаб чиқариш борасида самарали излашлар олиб бормоқда.

Қуёш батареялари — арзон ва қулай

Ҳозир бу ерда қуёш батареяси ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва ундан унумли фойдаланишни такомиллаштириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Мазкур агентликдан маълум қилишларича, бундай батареялар қуёш энергиясидан ҳалқ хўжалигида кенг фойдаланиш имконини беради. Мазкур қурилмадан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, бунда энергия ишлаб чиқариш бир неча баробар арзонга тушади. Қолаверса, атроф-муҳит тоза сақланади. Ушбу техниканинг жорий қилиниши, шунингдек, ноанъанавий усулда электр энергияси ҳосил қилувчи мураккаб асбобларни ишлаб чиқаришда ҳам қўл келади. Корхонанинг бу хил маҳсулотига бузуртмалар сони тобора ортмоқда.

Беҳбуд БОТИРОВ,
ЎЗА мухбири.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ


Оҳангарон шахрида вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган «Замона ёшлари» кўрик-танловининг шахар босқичи якунланди.

Танловда касб-хунар коллежи талабалари, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқий билимлар бўйича ва бутунги кунда ёшлар муаммолари борасида беллашдилар. Унда шахар саноат касб-хунар коллежи жамоаси ғолиб деб топилди. Мусобақа ғолибларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Халқ демократик партияси шахар бўлимларининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Улар танловнинг вилоят босқичида қатнашиш учун йўланма олишди.

Ўз мухбиримиз.

Халқ таоботи

ПИЁЗ



Янги олинган пиёз суви грипп, ангина, ичбуруғ, сурункали колит, сил, бронхит астма касалликларига қўлланилади. Устига шаккар сепаиб, буғда пиширилган пиёз жигар ва ўт йўллари касалликларига даво бўлади, пиёзни пишириб, чип-

қонга кўйилса, унинг ёрилишини тезлаштиради. Ўрта Осиё таоботида пиёз уруғлари қайнатмасини буйрак-тош касаллигида қўлланилади, сутга аралаштириб (1:1 нисбатда) кўз қувватини ошириш учун ичилади. Пиёз сувини грипп маҳалида бурунга томизилади, сепкил, хуснбузарларни йўқотиш учун ишлатилади.

Ибн Сино маълумотларига қараганда, пиёз меъдани мустаҳкамлайди, иштаҳани очиб, сариқ касаллигида ёрдам беради. Асал билан аралаштириб истеъмол қилинса, ангинада даво бўлади. Думба билан истеъмол қилинганда, ўпкани юмшатиб, жигарни тозалайди.

Замонавий таоботда пиёздан атеросклероз, гипертония касаллиги, астения, гиповитаминозлар,

қандли диабет, мижоз сустлиги, простатит, простата беши аденомаси, юқори нафас йўллари, меъда-ичак йўли ишининг сустлиги, юрак ва буйрак етишмовчилигига алоқадор ишларга даво қилиш учун фойдаланилади.

Тайёрлаш усуллари: 1. Ангина, оғиз бўшлиғи ҳамда томоқнинг бошқа йирингли касалликларига пиёзнинг сувда тайёрланган 10% эмульсиясини озгина намोकбга аралаштириб, томоқ чайилади. 2. Ўртача катталиқдаги 2 бош пиёзни артиб, майда тўғралади, 1/4 стакан шаккар, 3-4 стакан сув қўшиб, аралаштирилади-да, куюк шарбат ҳосил бўлгунча қайнатилади. Йўтал маҳалида ҳар уч соатда бир ош қошиқдан ичилади.

Қатра ўғитлар

Тўнғич тарбия бир-икки қайнов билан пишади. Лекин, қайта тарбиялаш учун умр бўйи қайнатишга тўғри келади.

Тилни тинглаш осон, лекин дилни тинглаш қийин. Моҳир тарбиячи доим ўша қийинини танлайдиган бўлиши керак.

Ҳар бир боланинг ўз тили бўлади. Тарбиячи шу тилларнинг барчасини тушуновчи, билувчи ҳамда таржимони бўлмоғи лозим.

Гўдак ўз тарбиясининг хатти-ҳаракати ва фазилатини ўзида акс эттириб турувчи бир кўзгудир.

Ҳар бир боланинг ўзига мос тилини топиб, унга қўшилиб кетолмаган ўқитувчи педагоглар сафига адашиб қўшилиб қолган бегонадир.

Болани ўзингизга эргаштиринг. Бирок, вақти келса, ўзингиз ҳам уларга эргашинг.

Келажак кишиларини тарбиялаш учун теран фикрлар керак. Ёшларда келажак афзалликларига қизиқиш уйғотолмасангиз, меҳнатим зое кетди, деяверинг.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ
тайёрлади.

Биласизми?

Олимлар қадим-қадимлардан буён қушлар «тили»ни ўрганиб келишади. Лекин, улар ҳозирча, бир хил қушлар турли мамлакатларда турлича сайрашини аниқлашган холос.

Кўпгина қушлар йилига икки маротаба узоқ масофаларни босиб ўтадилар. Масалан, кутб товуқлари ўз манзилларини ўзгартираётганларида 17 минг километрга масофани парвоз қилишларига тўғри келади. Бу Шимолий кутбдан Жанубий кутбгача бўлган масофага тенгдир. Қушлар ушбу масофани 50-60 кунда босиб ўтадилар.

Қушлар ўз маконларини узоқ масофалардан ҳам тўғри топиб келишар экан. Олимларнинг кузатуви шуни кўрсатадики, бурун қуши — 4940, оқ лайлак — 2256, чуғурчўк — 1840, жарқалдирғоч эса — 240 километр масофадан уяларига адашмай аниқ етиб келишган.



ТОШКЕНТ HAQIQATI
ТОШКЕНТ HAQIQATI

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлями: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.